



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАНБА
СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 27 (9263).

1988 йил 6 февраль

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БҮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 4 февралдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг ўрта ва олий мактабни қайта қуриш қандай бораётганини кўриб чиқадиган навбатдаги Пленумини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Мажлисида марказий иқтисодий органларнинг, СССР министрликлари ва идораларининг ташкилий структурасини қайта қуриш, иттифоқдош республикалардаги бошқарув бош схемаларини ишлаб чиқиш юзасидан 1987 йилда қилинган иш якунлари чиқарилди.

Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларига биноан ишлаб чиқариш соҳасининг кўпгина тармоқларида бошқаруving янги структурасига ўтилаётганлиги ўқтириб ўтилди. Бунда марказдаги ва республикалардаги министрлик ҳамда идораларнинг сони камайтирилмоқда, бошқарув аппарати ходимларини қисқартириш мўлжалланмоқда, хўжалик ҳисобидаги янги ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш жараёни давом этмоқда.

Бошқаруving план, таъминот, молия-банк ва бошқа марказий органлари функциялари ҳамда аппарати қайтадан ўзгартрилди. Утказилган қайта қуриш жараёнида раҳбарлигининг асосан иқтисодий усулларидан фойдаланиш учун зарур ташкилий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Марказда ҳам, жойларда ҳам халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш соҳасида бундан буён қилинадиган ишларда тўб иқтисодий ислохот принципларини изчиллик билан амалга ошириш, давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга қаттиқ риоя этиш, тармоқ ва территориал бошқарув органларининг самарали ўзаро алоқасини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Министрликлар ва идоралар корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шариатида ўз имкониятларидан мўмкин қадар кўпроқ фойдаланишларини кўзлаб, уларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя этишлари зарур. Бошқаруving бош схемаларини ишлаб чиқиш хўжалик ва маданий қурилишдаги ишларнинг аҳоли учун иттифоқдош республикаларнинг мустақиллигини кенгайтиришга ва масъулиятини оширишга бўйсунди-

рилиши кераклиги таъкидланди. Сиёсий бюро ҳукуматнинг СССРда корхоналарнинг Ўзгаро Иқтисодий Ердам Кенгашига ёзбо бўлган мамлакатлар билан ташқи иқтисодий фаолиятдан оладиган ўтказилувчи пул учун ишлаб чиқариш-техника маҳсулотининг улгуржи савдосини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, маъқуллади. Бу ишнинг қардош мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш учун муҳимлиги қайда этилди.

Мажлисида партия билан ҳукуматнинг капитал қурилишни яхшилаш ва уни материал ресурслар билан таъминлаш масалаларига оид қарорларни қандай бажарилаётганлиги кўриб

(Давоми 2-бетда).

ОФИЦЕР ОИЛАСИДА



В. И. Ленин номи Тошкент умумқўшн олий билим юрти муваффақиятли тугатган Х. Абдуллаев аввал Турк-

манистонда, кейинроқ Афғонистон Республикасида хизмат қилди. Хозир эса Чилонзор район

ҳарбий комиссариатида ишламоқда. Майор Х. Абдуллаев бўш вақтини оила даврасида ўтказишни хуш

қўлади. Ахир бир-биридан ширин фарзандлари билан мулоқотда бўлишнинг, уларни ширин сўзлар билан эркалашнинг ҳам ўз гапши

бор-да. Суратда: Х. Абдуллаев турмуш ўртоғи Моҳидил ва фарзандлари билан.

А. ЗУФАРОВ фотоси.

ҚИШЛОҚДА ШИНАМ УЙЛАР

● БЕКОБОД районидagi «Далварзин» совхоз ишчиларининг йигирма оиласи янги шинам кўтсежларга кўчиб ўтди. Бу кўтсежларни «Ташкентводстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш

бирлашмасининг мутахассислари барпо этдилар. Шунингдек, хўжаликда ўтган йил баҳорида тошқиндан азийт чеккан кишиларни уй-жой билан таъминлаш муаммоси амалда ҳал қилинди.

Хозир қишлоқда уй-жойлар, маиший хизмат комплекслари, мантаблар ва болалар боғчалари қуриш Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети қарашли барча 15 та трест ва бирлашма ишнинг асосий йўналишларидан би-

ри бўлиб қолмоқда. Ўтган йил республикадаги колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларининг бир ярим мингдан зиёд оиласи комитет бўлиналари барпо этган уйларга кўчиб кирди. Буюртмачиларга — республика Давлат аг-

росаноат комитети билан Ме-лиорация ва сув хўжалиги министрлигига 121,5 минг квадрат метр уй-жой топширилди. Бу эса шундан бир йил аввалгига қараганда тўнқиз минг квадрат метр кўпдир.

(ЎзТАГ мухбири).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

[Давом. Боши 1-бетда]

чиқилди. КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган қурилишдаги инвестиция сиёсати бир қанча ҳолларда изчиллик билан амалга оширилмаётганлиги қайд этилди. Планларга янгидан бошланаётган кўп миқдордаги ишлаб чиқариш қурилишларини асосий равишда киритиш практикаси давом этмоқда. Чала қурилишлар ҳамма ҳали ҳам кўп, бу эса уй-жой, социал ва маданий-маиший объектлар, индустрия ва агросаноат комплексининг биринчи галдаги нишоотларини қуриш учун жуда етишмай турган кўп миқдордаги материал ресурсларни банд қилиб қўймоқда. Қурилиш ишларига материал сарфи секинлик билан камайтирилмоқда, иқтисод ва тежамкорлик иши суғултирилмоқда.

СССР Госпланига, СССР Госстройга қурилишнинг норматив базасини ўзгартириш ва унда қаттиқ тартиб ўрнатиш, ҳужжатли механизмнинг капитал маблағ самарадорлигини

оширишга таъсирини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини барпо этиш мuddатларини қисқартириш юзасидан қониятлар чоратadbирларини ишлаб чиқиш топширилди.

СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган тақдирларини тайёрлаш қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотни тинглаб, Сиёсий бюро бу ишда демократизм принципларини, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини, адолат ва инсонпарварликни изчиллик билан амалга оширишнинг муҳим аҳамиятини ўқитиб ўтди. Жиноятларнинг ижтимоий хавф-хатари даражасига қараб, уларни бир-биридан янада анқироқ чегаралаш, шунингдек енглироқ жиноятлар қилган кишиларга нисбатан озоодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўлланишни кенгайтириш мақсадида амалдаги жиноят қонунларини ўз-

гартириш соҳасидаги ишни давом эттиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Шу билан бирга оғир жиноятлар қилганлар учун қаттиқ жавобгарлигини сақлаб қолиш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро Э. А. Шеварднадзе-нинг ГФРга ва Испанияга қилган расмий визитлари янунларини маъқуллади. Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилган, уни амалий мазмун билан тўлдирганга иккала томоннинг тайёрлиги мамнуният билан қайд этилди. Бу гап сиёсий ҳамкорлик соҳасига, жумладан, хавфсизлик ва қуролсизланиш проблемаларига, шунингдек икки томонлама муносабатларнинг барча соҳаларида савдо-сотиқ ва бошқа алоқалар ҳамда мулоқотларни янада ривожлантириш масалаларига тааллуқлидир.

Мадриддаги музокара ва суҳбатлар Испания билан барча поғоналардаги сиёсий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги ўзаро ман-

фаатли ҳамкорликни кучайтириш учун қўлай шарт-шароитлар мавжудлигини тасдиқлади.

Халқаро муносабатлар ривожининг ҳозирги босқичида Европада ишонч ва ҳамкорлик иқлимини вужудга келтиришга оид бундан буюнги коллектив куч-ғайратлар, Ғарбий Европа мамлакатлари билан қўшадаги кескинлигини юмшатишнинг янги босқичи сари бошланган соғлом тенденцияларни мустаҳкамлашга, ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини камайтиришга, қурол-роғдаларни қисқартириш ва қуролсизланишга қаратилган самарали мулоқот ва ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

А. А. Громико, Е. К. Лигачев ва Э. А. Шеварднадзе-нинг ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР Ташқи ишлар министри О. Фишер билан унинг СССРга қилган расмий дўстона визити чоғида ўтказган суҳбатлари ва музокаралари янунлари маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партия ва давлат қурилишнинг, совет ташқи сиёсатини турмушга татбиқ этишнинг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилиниб, улар юзасидан қарорлар қабул этилди.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

4 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзега Ленин орденини топширди. Э. А. Шеварднадзе Коммунистик партия билан Совет давлати олдидеги катта хизматлари учун ва туғилган кунига олтинчи йил тўлиши муносабати билан мукофотланган эди.

Мукофотни топшириш пайтида В. И. Воронников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Н. В. Талзин, Д. Т. Язов, А. П. Бирюков, А. Ф. Добрынин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Актуал муаммолар: мутахассис фикри

ҚАЙТА ҚУРИШ ТЎХТАБ ҚОЛМАСЛИГИ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

(Биринчи мақола)

Биз экономика соҳасида ҳал қилишимиз зарур бўлган асосий вазифа — бу экин, халқ ҳўжалигини бошқаришга лаёқатсизлиги иш-ботланган бюрократик механизмин қайта қуришдир. Бу вазифа миқёсига баҳо берад эканмиз, биз ҳозир мамлакатда бўлаётган қайта қуриш ҳўжалик механизмида ўзгаришлар қилиш йўлидаги учинчи урилиш эканлигини келиб чиқамиз. Биринчи, Ленин бошлаб берган урилиш (НЭПнинг жорий қилиниши) 20-йиллар охирида тўхтатиб қўйилган эди. Иккинчи урилиш 50-йилларда бошланди — бу Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари бўлган давр эди; ўз-гартишлар 60-йиллар ўрталарида бироз вақт, Хрушчев ўзини Л. И. Брежнев келгунча давом этди.

50—60-йиллардаги ислохот конкрет босқичларда экономикани соғломлаштиришга ўз хиссасини қўшсада, барибир қутилган катта самарани бермади. Бунинг устига гарчи ортинча марказлаштириш бартараф этилиб, бошқаришнинг маъмурий методлари иқтисодий методлар билан алмаштирилганлиги ислохотнинг асосий вазифаси бўлганлигига қарамай ўзгаришлар «сингмади» ёки яшаб қолмади. Корхоналарнинг мустақиллиги энди кенгайтирилаётган пайтда кўп ўтмай тўхтатиб қўйилди, иқтисодий рағбатлантиришлар яна ва яна маъмурий буйруқлар билан алмаштирилди.

Нега шундай аҳвол юз берди? Ҳозирги қайта ўзгаришларга зарур бўлган кучни қандай бахш этиш мумкин? Қисқаси, қайта қуриш тўхтаб қолмаслиги учун нима қилиш керак?

Бунга жавоб бериш учун тарихга — 20-йиллар охирига мурожаат қилиш лозим, ўша пайтда ҳозирги

мавжуд бошқаришнинг марказлашган механизми таркиб топа бошлаган эди.

Демократия бюрократияга қарши: ё униси, ё буниси

Ленин 1916 йил ёзган «Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши» асарининг қириш қисмида ғойибона социализм тўлиқ демократияни амалга ошириш зарур деб таъкидлаган эди. У бу фикрга шунчалик катта аҳамият берадиги, бунинг кейинги саҳифадаёқ айнан такрорлаб, тўлиқ демократияни амалга оширмайдиган ғойибона социализм яшайолмади, дейди.

НЭП бундай моделга биринчи яқинлашувни ўзида намоён этган эди. НЭП даврида корхоналарни бошқаришнинг реал дастаклари корхоналарда кимлар ишлаётган бўлса ўшаларнинг қўлида эди. Марказий органларнинг роли улар фаолиятига бевосита кўрсатмалар беришдан эмас, балки куч-ғайратларни координациялашдан иборат эди. Бундан ташқари экономиканинг объектив иқтисодий регуляторини — бозор амал қиларди.

Ленин НЭП тўғрисида бу «ижидий ва узок давом этадиган сиёсат» дерди. Бироқ ўн йил ўтмасданок НЭП тугатиб юборилди.

Бюрократизм деганда баъзан масалаларни ҳал этишдаги сансалорлик ва ортинча қозғаболлини тушунадилар. Аслида гап бир мунча ижидий нарсалар тўғрисида боради: бюрократия — бу «чиновниклар ҳокимиятидир». Шунинг учун у демо-

кратия билан — «халқ ҳокимияти» билан келишолмайди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг мақсади халқни ҳокимият тепасига қўйиш, ҳаммага бошқаришда бир ҳал қатнашиш имкониятини яратиб беришдан иборат бўлган.

Ленин 1922 йил январда оғир бетоб бўлган Ленин эндиликда маълум бўлган «Съездга хат»ни айтиб туриб ёздирди. Бу ҳужжатда шундай дейилади: «Мен бу съездда сиёсий тузумимизга бир қанча ўзгаришлар киритишни жуда маслаҳат берадим». Гап чинакам халқ ҳокимияти ва халқ ўзини ўзи бошқаришнинг қарор топтириш тўғрисида борарди. Масала шундаки, революциядан сўнг дастлабки йиллардаёқ Совет давлати партия, давлат ва ҳўжалик лавозимларида раҳбарлик ўринларига чиқиб қолган партия кўпгина аъзоларининг бюрократларга айланиб қолиш хавфига дуч келган эди. Шунинг учун Ленин революция бошлаб берган Россиядаги социал ўзгаришлар маҳкумлика учрагудек бўлса, бунинг бюрократизмга амалга ошира олади, деган фикрини такрор ва такрор айтган эди.

Бюрократизм хавфини сезиб Ленин унга қарши кураш йўлларини ҳам аниқ белгилаб берган эди. Бу йўлларнинг асосийси — давлат аппаратини демократлаштиришдир. Бу аппаратда ҳамма лавозимли шахслар исталган вақтда тўлиқ сайланиб қўйилиши ва ўзгаришлар турилиши зарур. Улар қиладиган лаоманд ишчиларнинг ўртача маошига яқинлаштирилиши лозим, токи бойиб қолишга интилувчилар учун раҳбарлик лавозимларига интилиш ка-

майтирилиши керак. Ленин «Съездга хат»да шунингдек, аппаратга ва Марказий Комитетга ишчиларни кўпроқ киритишни, Марказий Комитет Бош секретари лавозимидан Сталинни алмаштиришни таклиф этди.

Бироқ Ленин айтгани бажарилмай қолди, у ҳаётлигида мавжуд бўлган бюрократияга қарши чоралар аста-секин бекор қилинди.

Йўл-йўлакай шуни ҳам таъкидлайманки, назаримда сталинизм манбаларини Сталин шахсининг ўзига хос хусусиятларидан ахтариш нотўғридир. Албатта, унинг шўҳратпарастлиги ва ҳокимиятга ўчлиги ўз ролини ўйнади. Бироқ, сталинизм намоён бўлишининг асосий ва объектив сабаби шундан иборат эдики, ҳар бир амалдорлар группаси устидан бир бошлиқ турувчи бюрократик «ҳокимият пирамидаси», «барча бошлиқларнинг бошлиги» лавозими билан мантиқан туташти лозим. Бундай лавозимни жуда кўп сабаблар оқибатида Сталин эгаллаб олган эди.

Бюрократик централизм принципи бўйича

Бизнинг кунларимизгача асосий белгилари сақланиб қолган экономикани бошқаришнинг ўша системаси Сталин даврида таркиб топган эди. Табиийки, бу система ҳам ўша иерархик, бюрократик схема бўйича тузилган бўлиб чиқди. Унда «қуйи-дан» бўладиган ташаб-

бустга, бошқаришнинг энчиқ иқтисодий усулларига кам жой қолар, ҳамма нарсаси мажбурий равишда бажариш учун бериладиган буйруқка айланади.

Бундай система қатъий ва мантиқий тугал бўлганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас. Бунинг устига унда ўзининг кўпгина афзалликлари ҳам бор, чунончи катта моддий, меҳнат ва молия ресурслари билан тез маневр қилиш имкони бўлади. Аслини олганда 30-йиллар бошидаги фавкулда шароитларда ташкил қилинган бу система фавкулда бир ёқлама вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган эди. Ава шундай қаттиқ марказлашув туфайли биз қисқа мuddат ичида индустриалаштиришни амалга ошира олганлигimiz, фашист Германиясига қарши урушда бардош бериб галаба қилганлигimiz, вайрон бўлган сановатни тез тиклаганлигimizни тасдиқловчи кишиларни мантиқсизликда айблаш қийин.

Бироқ, 50-йиллар ўрталарига келибюқ бизнинг мамлакатдасидек вазим, тинч, тараққий қилгани ўз олди-га мақсад қилиб қўйган йирик мамлакат учун ҳаддан ташқари экономикани бошқаришнинг беҳад даражада марказлашган системаси тўғри келмай қолди. Уни ўзгаришлар тарихий зарурат бўлиб қолди. Лекин бу заруратни реал амалга ошириш эски тўсиққа дуч келди; экономикани ва бутун ижтимоий-сиёсий системани бошқаришнинг бюрократик механизмига дуч келди.

Солтан ДЗАРАСОВ,
иқтисод фанлари доктори.
(АПН).



Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — бош йўналиш

ЎРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! Кейинги пайтларда кўп бола туғиш муаммолари масала эканлиги, умуман онкада серфарзандлигини ҳам тартибга солиш ҳақида мақола-лар пайдо бўлиб қолди. Ана шу муносабат билан сиз-ларга бир қатор саволлар бермоқчиман. Ҳақиқатан ҳам онкада фарзанд туғилишини тартибга солиш керакми? Бу масалага сўнги пайтларда алоҳида ургу берилётганлигининг сабаби нимада?

Вазира САИДХОҶОВА,
Тошкент райони.

Бундай саволлар кўпчи-ликни қизиқтириши табиий ал-батта. Шунинг ҳисобига олиб биз турли лавозимдаги ва мута-хассисликдаги аёллар ёрдами-да бу масалани ҳал қилишга уриниб кўрдик. Хусусан, ҳат Тошкент районидан бўлганли-ги учун шу территорияда иш-лаётган, яшаётган оналар би-лан фикрлашиш истаги туғил-ди. Қуйида мухбиримиз Зул-хумор ЖУРАЕВА уюштирган ана шу суҳбатни эътиборин-гизга ҳавола этамиз.

● Ҳалима САЙДАЛИЕВА,
район партия комитетининг
секретари

— РАЙОНИМИЗДА кўп бо-лали оналар ҳам, Қасристон оналар ҳам анчагина. Улар бизнинг фахримиз ҳисоблана-ди, албатта. Бундай жафокаш уй бекалари билан иш-қоси-дан ҳам, турмуш инфи-чи-кирлари борасида ҳам суҳ-батлашиб тураман. Яшириш-нинг нима ҳолати бор. Сер-фарзанд оналарда завқ-шавқ, шодонлик билан бирга ўзига хос мушкулликлар ҳам гоҳо ҳамроҳ. Айниқса, қанчалик ихчамлаштириш, рисолага со-лишсинизга қарамай тўй-ха-шамлар, бошқа тадбирларни ўтказишда оналар озмуна азият чекишадими? Ени бўл-маса болалар билан боғланиб қолиб ишлаб чиқаришда, же-моат ишларида қатнаша олма-ётган, ўз саломатлигини, маде-ний ҳаёти тўғрисида ўйлама-

ётган аёлларимиз ҳам оз эмас. Мен бу фикрларни баён этар эканман, ҳаётимизнинг зийнати, умримиз мазмунини бўлган фарзандлар кўпайиши-га заррача эътироз билдириш ниятида эмасман. Аммо бу масалага ҳар бир она онгли равишда ёндашиш керак, ин-сон фақат болаларни туғиб,

ондан соғлом фарзанд ту-ғилганда биз врачлар учун ҳам байрам бўлиб кетади. Афсуски, ҳаммаша ҳам инсон орзу қилгандай бўлавермай-ди. Она организмнинг ҳомла учун тайёрмаслиги, яъни биринчи туғишдан сўнг ҳеч қанча танаффус бермай ик-кинчи фарзанд кўриш, кам қонлики даволамасдан туриб оғирроқли бўлиш ва бошқа шунга ўйлаш ҳолатларда ту-ғилаётган фарзандлар нимажон бўлиб қолмоқда. Чала туғла-ётган чақалоқлар ҳам бор.

Аммо кишлоқ шaroитида ёш оналар кўпинча бунга эътибор бермайдилар. Кон-султация пайтида оналикини ва болаликни муҳофаза қи-

ми, бўлажак фарзанднинг соғлигини таъминлашдаги омиллари ҳақида ўйлаб кўр-син.

Шу ўринда оналик ва бола-ликини муҳофаза этишда меди-цинамизда ҳам жиддий кам-чиликлар борлигини эътироф этмоқчиман. Ҳали бу борада моддий базамиз ҳам, билими-миз ва малакамиз ҳам, хиз-мат кўрсатиш маданиятимиз ҳам оқсаяпти.

● Салима МИРЗАВАЛИЕВА,
Охунбобоев номи қолхоз
аъзоси, кўп болали она
— МЕН тўрт ўғил ва олти қизимни онасиман. Тўғри, уларни туғиб вояга етказгу-нимча ҳаётда жуда кўп қи-йинчиликларга дуч келдим. Аммо фарзандларимни кўрга-нимда кўзим қувнайди. Ҳам-масини одобли, эл-юртага на-фи тегадиган қилиб тарбия-лашга ҳаракат қилдим. Ҳозир болаларимнинг кўпчилиги қолхозда, бошқа жойларда ишлашади.

Лекин кўп болали оналар ҳақида гапириб шунини айтмоқ-чиманки, бола тарбиясида, уларни катта қилишда дав-рининг даврдан фарқи бор. Бун-дан 25—30 йил илгари боле-ларимиз бир-бирларининг ки-йимларини кийиб катта бўла-веришар эди. Йиртилганларни ямаб ҳам берар эдик. Ҳозир бирон ўғил ва қизга шун-дай уст-бошини тақдир этиб бўладими? Ҳар бир бола за-монасига қараб яхши кийин-гиси келади, қимматбаҳо ли-босларни озу қилади. Бу ал-батта, ота-онага қийинчилик туғдиради. Қолаверса, кўп бо-лали оналарда тарбия ҳам мушкуллашиб борапти. Шун-нинг учун ҳозирги пайтда он-када фарзандлар туғилишини тартибга солиш тўғрисидаги гаплар ўринли кўтариляпти, деб ўйлайман.

● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 104-мактаб қошида ташкил этилган рақс ансамблига ўқи-тувчи Дилёра Нариманова раҳбарлик қилмоқда. Юқори-синф ўқувчи қизларидан ибор-рат бу коллектив Сергелни район меҳнаткашлари ҳузу-рида тез-тез бўлиб ўзининг концерт программаларини намоиш этаётир.

Суратда: репетиция пайти.
Р. АЛБЕКОВ фотоси.

● Акс садо ЯХШИ ЎЙЛАШИБДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИ-КАТИ» газетасининг 1987 йил 26 декабрь сонидан берилган «Тоғо-рами ёки пул» мақо-ласини қизиқиб би-лан ўқиб чиқдим. Ма-қола муаллифи Ҳамид Музаффарова ис-тиқомат қилаётган ма-ҳалла хотин-қизлари жуда яхши ибратли та-шаббус билан чиқишиб-ди. Ахир бу ишловчи аёллар вақтини тежаш билан бирга нерофгар-чиликнинг ҳам олдини олади-ку!

Лекин бизнинг Қирғизовул қишлоғимизда бу қаби-ринча даҳмазалар ҳали ка-майланича йўқ. Бу эса он-када турли нохушликлар кели-либ чиқишига сабаб бўл-моқда.

С. МУРОТАЛИЕВА,
Ўрта Чирчиқ райони.

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ...

қўлайтиришдангина лаззат олмайд, балки уларни соғ-лом, қувноқ, одобли, меҳнат-севар, жамиятга фойда келти-радиган ўғил-қизлар қилиб тарбиялашдан маънавий бо-йийди. Демак, онкада ана шу-ларни ҳисобга олиб туғилиш-ни тартибга солиш, она ўзи-нинг яшashi ҳақида ҳам ўй-лаши керак деган мулоҳаза-даман.

● Дилбар МУҲАМЕДОВА,
врач-гинеколог

— БУ борада кундалик иш феолитимдан келиб чиқиб гапирмоқчиман. Соғлом

лишга онд берилган масла-ҳатларга кўпинча риоя қи-лмайдилар. Шу тарзда дунёга келган фарзандларнинг касал-ликларга чалиниши кўпроқ учрамоқда.

Эндilikда бир вақтлари халқимиз орасида тарқалган «Унта бўлса ўрни бошқа» де-ган мақол ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришимиз керак бўла-ди. Она ва боланинг саломат-лигини таъминлаш — бирин-чи галдаги вазифадир.

Фикрларимни хулосалаб шунини айтмоқчиманки, бола ту-ғилиши учун аёл ўз органи-з-

● ҲАЁТИЙ ЛАВҲАЛАР ●

БИР АЁЛ БОР...

КИШЛОҒИМИЗДАГИ Мархабо онага жуда ҳам ҳавасим келади. У киши эрта тонгдан кет-мон кутариб, далага, чопчиқа чиқади. Қўйиш-да эса мол-ҳол енди, деб бошига бир кучоқ ут-ни қўйиб келади. Уй-руҳор ишлари, экин экиб, чопчиник уйлари қиладилар. Яна унинг орасида қишга у-бу нарсаларни таъминлаш, аниқ-чучук деислими, ҳар қил композитор тахирлайди-лар.

— Ҳаммасига қандай улгурасиз! — сўрадим бир кун улардан.

— Болаларимнинг ҳишда оғзи қуриб қолма-син деганам, — деб кўлдилар.

Агар маҳаллада биронта тўй-ҳашам бўлса у киши кимиз қилишга вақт топадилар. Шундан пайтлари ҳам қойил қолмаган Мархабо онага!

Кўнадан ўтаётиб бир кун мана бундай гап қу-лоққа қалғаниб қолди.

— Улсин, ювган кириларимни неча кундан бе-ри дўзвол қилдиманки. Унинг киништириб, тоза-лашга ҳам вақтин бўлмаяпти.

Тўғриси, ҳалати бўлиб кетдим. Ишламай унда ўтириб бундан гапларни қандай гапирарди! Шу пайтга ухшаганларга «Мархабо онадан уркан ол-сангиз-чи», дегим келади.

Моҳира МИРЗОБОВА.

ҲАСАД

БАБЗАН экин олдидаги курсида бир аҳволда-ги кийим билан боласини тиззасига қўйиб олиб ўтганининг ўроғини кетганининг кетмонини олиб ўтирадиган аёлларга дуч келамиз. Улар келаёт-ган аёл утиб кетгунча қўз узман тикилиб ўтириша-ди. Бу «синчков» назарлари билан аёлни қалати аҳволга қўйишларини тасаввур қилишманди. Ор-тидан ғибабатни бошлашарди.

— Ҳаи, анавини қаранг, жуда киниладиган бу-либ қолбдими-а? Сөөил! Илгари бир аҳволда юрарди. Энди эса башан киниибдими!

— Эрим ташлаб кетмасун, деб қўраётгандир-да, — ҳирингайди киниичиси...

Қандай юзсизлик, а! Улар эники тегмаган ку-ловчинни месхирлаш ва ҳасад қилишдан зарра фойда топишармикан! Ававал ўзингиз боқ, кенин ногора қон, деган гап бор-ку, ахир!

— Ҳан, онамонлар, ўзингиз ораста кинииниш-ни шу оелдан ургансангиз-чи!

Матлуба САИДАЗИМОВА.

ҲАР КИМНИКИ ЎЗИГА ШИРИН

БЎСУН ўйимизда тўй. Узоқ-яқиндан жуда кўп меҳмонлар келишган. Меҳмонларни кутиб олиш, чай-нонга қараш... Эҳе, қўл-қўлга тегмайди. Кун-ни билан югуравериш тоғонимдан ўт чиқапти. Ансига олиб, овсинимнинг киник қизи Марзия-нинг эрталабдан бери иситмаси чиқиб нуқул тинг-шиб йилгайди. Овсиним қизи билан овора.

— Бўгун яхши қарамдинг шу болага. Эми-зишга ҳам эринсан-а! Бир киришиб эмас-ку, қор-ни тўйиб озор бермай қолди. Овкат-повкатиники қуйин-да, эмизгин. Она сутига етадигани йўқ, — буюради қайнонам. Овсиним ноилжон болани кут-тариб чикари хонага кириб кетади. Жавондан ко-салирни олиш учун уйга кирсам, шивирлаб анти-лаётган гап қулоғимга қалинади:

— Бўгун кун бўйи туз тоғмодинг-а! Нуқул эми-засан, кинига бир нарсан кирса, суг бўлади-да, жоним болам. Қўй, эмизверма, у-будан солгин оғзиға. Ҳаингга ҳам бир қарегин, ахир.

Бу кўниниб гапирётган аёл овсинимнинг она-си эди.

Ҳар кимнинг фарзанди ўзига ширин, деб шунинг айтишади-да.

Гулсара ИСМОИЛОВА.



ҲИКМАТЛАР МАРЖОНИ

САЙИД Қосимий XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек дидактик достончилигининг ривожига муносиб ҳисса қўшган шоир. У Мовароуннаҳр ёки Хуросонда темирлар сулоласидан бўлган Султон Абу Саид Мирзо (1451—1469) ҳукмдорлиги даврида яшаб, ижод этган.

Қосимий меросининг ҳозирги кунда бизга маълум бўлган ягона қўлёзма нусхаси Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида сақланади. Шоирнинг адабий мероси ҳақидаги дастлабки маълумотларни 1977 йилда профессор Ҳамид Сулаймонов томонидан Ҳиндистонга уюштирил-

ган археографик экспедиция материалларида учратамиз. Қўлёзмадан олинган фотонусхалар шоир мероси ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Қўлёзма тўпладан шоирнинг қуйидаги «Мажма ул-ахбор» («Хабарлар тўплами»), «Гулшани роз» («Сирлар гулшани»), «Ҳақиқатнома» ва «Садоқатнома» асарлари ўрчи олган. Бу қўлёзма нусха 1634 йилда Муҳаммад Содиқ Мунший томонидан қўчирилган.

Сайид Қосимий ўз ижодида ҳикматли сўзлардан фойдаланган ва янги афоризмлар яратган истиснодлик сўз санъаткоридир. Шоирнинг

дидактик достонларидаги ҳикматли сўзлар инсон табиатидаги эзгу хислатлар тарбияси учун зарурдир. Улар инсоннинг жамиятда баркамол шахс бўлиб етишувига хизмат қилади.

Шоир кишилардаги нуқсон ва камчиликларни йўқотишда ҳикматли сўзларга мурожаат этади. Шоирнинг чуқур фалсафий ғоялар билан сугорилган ҳикматли сўзлари ўқувчи учун тушунарли. Айни пайтда, чиройли шаклда берилган бўлиб, енгил ўқилади.

Сайид Қосимий асарлари биринчи мартаба ҳозирги замон ёзувида нашрга тайёрланди. Бу эзгу ишни Қўлёзмадор институтининг илмий ходими Б. Қосимхон амалга оширди.

Қуйида шоир маснавийларидаги ҳикматли сўзлардан айрим мисоллар келтирамиз. Бу сиз, муҳтарам газетхонларни XV аср ўзбек дунёвий адабиётининг энг нодир бадийи намуналари билан яқиндан таништириш имконини беради.

- Заҳру шакар ҳосияти сўздадур.
- Меҳру муҳаббат тамури кўздадур.
- Яхшилик эт эмдики дастинг етар.
- Яхши ёмон ҳарнаки қилсанг ўтар.
- Ҳеч кишига қилма қатиг гуфтуғий.
- Барчага гул киби бўл сен тозаруй.
- Нафсу ҳаво илгина берма нион.
- Ҳирсу ҳавас уинда қилма макон.
- Кимдаки бор бўҳу ҳасадини нишон.
- Ҳизр эса суҳбатидин қоч равон.
- Эр кишига адлу саховат керак.
- Ким айтур, бўҳлу адоват керак.
- Нафсу ҳаво отини тутма самуз.
- Санда агар бор эса адлу тамуз.

Баҳодир БАЛНОВ
тайёрлаган.

ҚАТРАЛАР

ЭЪЗОЗ

Қатқалоқни ёриб чиқаётган уруғ шеригидан хафта:

— Менга ўхшаб сен ҳам нурга баравар интилганингда шу пайт шапалоқ-шапалоқ барг ёзаётган бўлардики. Тупроқдаги пўчоғингни ёриб чиқдинг-у, тепангдан томдек босиб турган қатқалоқдан чўчиб бўшадинг. Нима, келажакдан умидинг йўқми?

— Кучим пўчоқни ёриб чиқишга зўрга етди, холос, илдиэ отишга эса ожизмен. Сenga ўхшаб она-ердан мадад олсайдим, яшашга умид боғлардим, — деди эндигина унган майса — чириган уруғ.

— Узр, ноўрин таъна қилибмен сenga, — деди соғлом уруғ ва «бор умидимиз шундан» дея қатқалоқ тагидан кўтариб чиққан жиндеккине тупроқни бошида эъзозлаб турарди.

Ё Ф

● ҚОЗОНДАГИ масаллилар бир-бирига қулоқ солмай «жиг-биг» қиларди:

— Ошнинг ширинлиги мен билан, — дейди гуруч.

— Йўқ, мен билан, — дейди сабзи.

— Ошнинг устида ҳил-хил бўлиб дириллаб турмасан, одамлар қуруқ гуручни ёқтиришмайди, — бўш келмайди гўшт ҳам.

— Оббо, шововозлар-ей, — дейди бунга жавобан ёғ, — ширинлигингизни рўёбга чиқарай деб, куйиб-пишиб доғ бўлсаму, сизлар бир-бирингиздан баланд келмоқчи бўласиз. Менсиз қозонда бир қайнаб кўринг-чи!

АФСУС

● — БОШИНГНИ айбдордек муноча қуйи эгасан, — дейди пуч бошоқ тўқ бошоқни мазох қилиб.

— Усиб-унганим учун она ердан ҳамиша қарздорлигимни ҳис қиламан-да! Тўқлигим — элга манзур бўларли хизмат қилишга қодирлигим учун таъзимдаман.

Пуч бошоқ:

— Ернинг меҳрини бошдан то ҳозиргача билмаганим учун пуч бўлиб қолганимкинмен, — дея афсусланади кучсизгина елда ҳам бошини сарак-сарак қилиб.

ЮРТНИ ЎЙЛАБ

● ДАРАХТДАН кесилган тўт баргига яшириниб қурт-хонага кириб қолган шиллиқ қурт ипак қуртга дарднинг ёзди:

— Доим эъзоздасан. Сени одамлар авайлаб сўрида — шохона супада боқилади. Менга эса оёқ остида ҳам кун йўқ.

— Мен ҳар тановулда юрт бахтини ўйлайман. Одамлар учун жонимни фидо этаман. Сен фақат ўзим бўлай, дейсан. Шунинг учун ҳам эл сендан ҳазор қилади. Бу ерга бекор келибсан-да, ҳозир сени эзгилаб отишади...

ФЕЪЛИГА ЯРАША

● — ИШНИ қойил қилади-гандек белингизда қўш-қўш белбоғ. Сал шамол эсса дош беролмайсиэ. Бир-бирингизни суриб шовуллайсиэ, бунча ваҳима қиласиэ, ҳамманинг тинчлигини бузиб, — деди соҳилдаги дарахт пастдаги қамишларга.

— Қуруқликда яшаб нима-лар деясиэ? — қизишди қамишлар тўпанак сочларини тўзитиб.

— Хафа бўлма, буларнинг бўлгани шу, — деди соҳил — она-ер дарахтга, — шу боисдан уларнинг феълларига яраша ботқоқликдан жой берганма-ч.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

- Адабдур аҳли давлатнинг нишони.
- Адабдур ҳосил ўлур камрон.
- Адабдур обрўйи шоҳу дарвеш.
- Адабсиздур ҳамиша ҳору дил раш.
- Адабсизлардин ўргангил адабини.
- Риёзат бирла ўтказ рўзи шабини.
- Улуғлардин ярашур лутфу ахлоқ.
- Кичилардан тавозеъ бирла ишфоқ.
- Арпа экиб буғдой олурман дема.
- Нася учун нақд бу дам ғам ема.
- Тиймасе бу тилин етар бошига.
- Сақламаса кўзини тегар ёшига.
- Бўлма ёмон киши киби худпараст.
- Яхшилик эт барчага етганча даст.
- Боқма ҳақорат бида сен кишига.
- Воқиф эмассен чу анинг ишига.

● **ЎЗБЕКИСТОН ССР** халқ артисти, танқиди қўшқичи Коммуна Исмоиловнинг юбилей кечаси бўлиб ўтди. Кечада санъаткорнинг яқин дўстлари, ҳамкасблари, шоғирдлари ҳамда муҳлислари иштирок этдилар.

Шу кун санъаткорнинг Ватан, севги ва садоқат ҳақидаги қўшқичлари билан бирга унинг Улуғ Ватан уруши йилларида ижро этган қўшқичлари ҳам янгради.

Гуллар ва қувончлар оғушида бўлган санъаткор кеча сўнгига сўзга чиқиб, кўрсатилган юксак низат-ҳурмат учун партияга, эл-юртга миннатдорчилик изҳор қилди.

М. НАЗАРОВ фотоси.



ҒИЙБАТУЛЛО ТУҲМАТУЛЛАЕВНИНГ СЎНГГИ ХАТИ

Кеча «ручкани йўқ экан», деб ўқитувчиси дарсдан ҳайдаб юборибди. Бўлди, ётинг, эрта-перта ёзарсиз.

— Қаёқдаги гапларни гапирасан-а, хотин, Уйқу келадими, шу топда, бугун ёзиб, эрталаб жунативоришим керак.

— Ахир тушунасизми, йўқни йўндириб бўладими?

— Айланай хотин, жон хотин, топақол...

Фотима эри барибир ҳоли-жонига қўямаслигини тушуниб, шафадан жимжилоқдек келадиган қошига суртадиган қаламни топиб ол-

дига ташлади.

— Яна қайси шўрини қургурнинг устидан ёзаясиэ?

— Қўшимиз Аҳмад докторни бор болай.

— Вой, шўрим. Сизда тариқча инсоф йўқлигини билардим. Лекин ўзингиз томдан йиқилиб тушганда, яқма-ю ягона ўлгингиз Али-жонни машина уриб кетган-

да, шу қўшини жонингизга аро кирган эди-ку.

— Нима қилибди, доктор бўлганидан кейин қарайдида. Шунинг учун давлатдан ойлик олади.

Эрталаб Ғийбатullo ашп-тапил нонушта қилди-да, тунда битган юмалоқ хатни аста чўнтакка солиб, кўчага чиқиб кетаётган эди, йўлакда кўниси Аҳмаджон ака газета кўтариб кириб келиб қолди.

— Ҳа, каллан саҳарда нима қилиб юрибсиз, қўшини?

— Сизга бир хушхабар етказмоқчиман, — деди Аҳмад ака ва бундан буён имзосиз ариза ва шикоятлар инobatга олинмаслиги ҳақидаги ҳукумат фармониини ўқиб берди.

Ғийбатуллонинг рағби бўзариб, тили қалимага келмай қолди ва шилқ этиб йиқилди. Қий-чувдан сўнг Аҳ-

мад ака, хотини Фотима ва ўғли Алижонлар Ғийбатуллони аста кўтариб уйга олиб киришди, юзига сув сепишди...

Ғийбатullo бироздан кейин, кўзини очиб, гўлдиради.

— Тамом, ҳаммаси тамом...

Ҳа, биродарлар, эшитмадим деманглар. Ғийбатullo Туҳматуллаев каби юмалоқ хат ёзиб, қанчадан-қанча одамларнинг асабини бузган, юрак ўйноғи қилган, турли ташкилот ва идораларнинг, одамларнинг қимматли вақтларини ўғирлаган (биргина «Тошкент ҳақиқати» газетасигагина ўтган йили ана шундай имзосиз 100 га яқин хат келди) ким-саларнинг кунни битди.

Ҳа, думалоқ хат ёзувчилар ўлди!

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Залон ва ёшлар

ТАШАББУСГА КЕНГ ЯЎЛ

«МЕДИК» ОТАЛИГИДА

Утган йили институт бўйича 1480 студент қурилиш ишларида ишлади. А. Шекиров коммандирлик қилган «Медик-87» отряди мавсум давомида 1 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Отряд аъзолари ишлаб топилган маблагнинг каттагина қисмини оталик ёрдами сифатида ветеранларга, болалар уйи тарбияланувчиларига беришди. 42 нафар уруш ветерани, 28 та болалар боғчаси, 8 та умумий таълим мактаби, 6 та болалар ва ўсмирлар интернати, 2 та болалар уйини оталикка олганмиз. Отряд аъзолари 24-болалар боғчасига «Эртақлар шаҳри» майдончасини қуриб бердилар, 67-болалар боғчасида эса 2 та спорт майдонини яратилди. Янги йил байрами арафаларида студентлар совга-саломлар билан 24-болалар уйига ташриф буюришди. Бу ерда қизқарғили учрашув бўлди.

Санитария-гигиена факультети қурилиш отряди аъзолари ҳам ишлаб топилган маблагга телевизор, турли хил ўйинчоқлар сотиб олиб, болалар уйига топширишди. Иккинчи даволаш факультети қурилиш отряди аъзолари интернационалист жангчилар фондига 240 сўм ўтказишди.

М. БОЗОРБОВ,
ТошМИ комсомол комитети аъзоси.

ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ!

МУСТАҚИЛ ИШЛАЙ БИЛИНГ

Колхоз комсомол комитетининг секретари Дилором Қамчинова олдинги икки йилда бўлган ишлар белгилаб қўйилган эди. Лекин уларнинг кўпчилиги бажарилмабди. Утган йилнинг март-апрель ойларида комсомол йигилиши ўтказилмади. Яқинда бўлган йигилишга эса комсомолларнинг ярми ҳам келмади.

— Ичимизни текшириш учун район комсомол комитетидан рухсат олганимизнинг ўрнида — деди у гап орасида.

— Ҳа, яхши ташкилотлардан бири сифатида сизларни кўрсатишди. Ҳеч қўчмай бор ҳужжатларни кўрсатаверинг.

Секретарь ишонмади шекли, дарҳол райкомга телефон қилишга тушди. Улардан рухсат олгандан кейингина папкаларнинг орасидан иш

плани ва айрим протоколларни бизга тутқазди. Планде йил давомида қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб қўйилган эди. Лекин уларнинг кўпчилиги бажарилмабди. Утган йилнинг март-апрель ойларида комсомол йигилиши ўтказилмади. Яқинда бўлган йигилишга эса комсомолларнинг ярми ҳам келмади.

Колхозда ёшлар ҳаётига оид муаммолар йўқ эмасди. Уларнинг ҳар бирини махсус муҳомаа қилса арзийди. Ҳозир ёшлар парник ҳужалигида ишлайпти. Лекин бу ердаги шартини кўрган киши беихтиёр ёқа ушлаб қолади. Парникка олиб борувчи йўллар лой. Дам олиш хонаси йўқ. Мав-

жуд хоналарда ишчи қуроллари, пленкалар сақланаяпти. Умуман ёшларнинг ишдан бўш соатларини мазмунли ўтказиш устида комсомол ташкилоти қайғурмаяпти.

Калинин номи колхоз комсомол ташкилоти иши билан танишиб, қайта қуриш тўлиқни ҳали бу жойларга етиб келмагандигини ҳис этдик. Комсомол комитети, комсомол прожектори штаби аъзолари қоғозда бор-у, ўзлари нима иш билан банд эканликларини жомаълум. Цех комсомол ташкилотлари секретарлари эса фақат аъзолик бадаллари тўлашдан нарига ўтишмаяпти. Комсомол активларида мустақиллик сезилмади. Юқоридан бир топшириқ бўлганига кейин ишга киришилди. Қайта қуриш шартинида мустақил мушоада юритиш ва ишлай билиш керак.

Н. ГУЛМАТОВ,
Ф. БОБОЖОНОВ,
Бўстонлик райони.

ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ
КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ
ОЛДИДАН

ЁШ ТАРИХЧИЛАР КЛУБИ БЎЛСИН!

Область комсомол комитетининг навбатдаги пленуми сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг аҳолини муҳомаа қилади. Кун тартибига шу масаланинг қўйилиши аини мудоаодир. Чунки ижтимоий фанларни ўқитишга бўлган эътибор кейинги пайтларда маълум даражада сусайиб кетган эди. Буни биз ўз мактабимиз мисолида ҳам кўраёلمиз.

Лекин танқидий фикрлардан сўнггина ижтимоий фанлар ролини оширишга киришилди. «Ёш тарихчилар», «Ёш ўлкашунослар» тўғрақлари ташкил қилинди. Бироқ тўғрақлар машғулоти ўтадиган хоналар тақчиллигини сезокдамик. Чунки мактабда ўқиш икки сменада олиб борилади-де.

Мен болаларда ижтимоий фанларга бўлган ҳавасни уйғотиш мақсадида район ва область миқёсида «Ёш тарихчилар» клубини ташкил этишни таклиф қилар эдим. Бошқа фанларда бўлган сингари ижтимоий фанлардан ҳам мактаб ўқувчиларининг олимпиадаларини ўтказиб бориш, голибларни рағбатлантириб туркиш мақсадга мувофиқдир.

Б. КОМИЛОВ,
Тошкент районидagi Киров номи 9-ўрта мактаб ўқувчиси.

СОБИР РАҲИМОВ районидagi Фуркат номи 198-ўрта мактабда ёшларга рус тилини мукамал ўргатиш бўйича зарур чоралар кўрилаяпти. Бунда рус тили ўқитувчиси Фанна Минабутдинованинг хизматлари каттадир. У ўқувчилар билан турли хил қизқарғили машғулотлар ўтказиб, ёшларда рус тилига бўлган қизқарғилини ошироқда. Суратда: Фанна Минабутдинова ўқувчилар даврасида.

Е. БОТИРОВ фотоси.



Тўқлиққа шўхликми?

Саккизинчи синф ўқувчиси Рустам Каримов йўлтусарликда айбланиб милиция олимга келтирилди. Терговчи бир аум ўйлаб қолди: меҳнатқил, ишчи оиласида пахотки шундай бемаъни фаранд тарбия топаётган бўлса? Ахир, унга нима етишмади, Нега у кўппа-кўндуз кўни уйдан ёш болаларнинг йўлини тўсиб, қўриқтиб, уларнинг чўнтақларига кўл солади?..

Рустам ўша кўни А. Икромов районидagi Меҳмондуст кўчасининг белгиланган чорраҳасида шериклари Мирсобит Толипов, Абдувоҳид Ризаев, Мурод Бобохоновлар билан учрашди. Учрашув жойи бекиз танланмаган эди. Шу яқин атрофда ўқув-ишлаб чиқариш комбинати бўлиб, ўқувчилар шу йўл орқали ўтишлари. Биринчи тузоқни улар ўз тенгқўларига қўйишди. Тузоққа кириб-дафтар қўлтиқлаган Исмомлов, Усмонов ва Маҳкамоллар тушди. Рустам шериклари билан болаларнинг оёқларидagi пайпоқларидан тортиб шалқасигага титкилаб чиқишди. Бириндан эътибор, иккинчидан 70 тийин пул чиқди, учинчисида эса бир мири ҳам йўқ экан. Эртаси кун йўлтусарлар «ов»га алоҳида-алоҳида бўлиб

чиқишди. Бу гал Мирсоитнинг омади келди. Дастлаб 1 сўм 55 тийин, кейинги сифар бир йўла 5 сўмни кўлга киритди. 177-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Даврон Саидалибеков, 236-мактабдан ўтири Турсунов ва Абдувоҳид Ризаев каби «тажрибасиз» йўлтусарлар эса Мирсоитдан анча «орқала қолиб кетишди».

КЎЧА БОЛАЛАРИ

Кўча болалари* кўлга тушгач, уларнинг ота-оналари ҳам, ўқитувчилари ҳам югурти қолди. Мактаблардан берилган мана бу характеристикаларга бир разам солинг-а: «Каримов Рустам 177-мактабнинг 8-синфини қоник қарли тамомлади. Ҳақини 287-мактабда муваффақиятли давом эттиряпти...»

Энди Даврон Саидалибековга худди шу мактаб директори, шахсан синф раҳбари М. Аҳмедова берган характеристикага кўз ташлайлик:

ҳотки, интизомли, яхши ўқувчи бир думалаб безорига айланиб қолса?

Биз Ахкам Икромов район милиция бўлимида турли жиноятлар билан кўлга тушган болаларнинг тушунтириш хатларига кўз югуртириб чиқдик. Улар шунчалки хунук ва саводсизларча ёзилганки, оёқтиёр бу болаларнинг мактаб кўрганлигига ҳам ишонмайсан киши. Наҳотки улар 7-8 йил бадалда ган тузишчи, имло хатоларисиз ёзишчи, она тилининг ҳатто оддий қонун-қоидаларини ҳам ўзлаш-

тириб олишмаган бўлсал Хўш, бунинг учун нима жавоб беради? Саводи голаван ўқувчиларнинг ўзини ёна «саводхон» ўқитувчиларимизми?

Фарзанд тарбиясини яхши едириб-ичириш, башанг кийинтиришдан иборат деб тушунаётган баъзи ота-оналар қаттиқ янглишадилар. Агар суриштирсангиз, милиция бўлимига келтирилганларнинг кўпчилиги туқлиққа шўхлик туфайли жиноят содир қилган ўсмирлардир.

Масалан, милицияга олиб келинган Рустамнинг отаси «Юлдузча» фабрикасида дурдгор, онаси Розия Каримова завод ишчиси, ўтирининг отаси Турғун Турсунов 2012-автокотонада ҳайдовчи, Мирсоитнинг отаси Мирвоҳид Толипов ҳам шундай нас соҳиб, онаси Маважуда Толипова эса боғчада тарбиячи бўлиб ишлашади.

Ана шундай шарафли нас оғалари бўлган ота-оналар бўларидagi гўзал фазилатларни, ишчанли ва меҳнатсеварлик ҳусусиятларини, характерларидagi маънавият дурдоналарини наҳотки фарзандларига «юктиришга» вақт ва имкон топишолмаган бўлса.

Дарвеш АЛИ.

АРЗИМИЗГА ҚУЛОҚ СОЛИНГ

«МЕН ЯНГИМАН»

ЁШЛАР ётоқхонасига икки ойдан бери иссиқлик берилмасди. Кейинроқ бориб иссиқ сувни ҳам узиб қўйишди.

2-ётоқхонада истикомат қилаётган ёшлар завод раҳбарларига шикоят қилишга мажбур бўлдилар. Директорнинг ўринбосари Э. Бойметов, коммунал хўжалиги бўлими бошлиги А. Седова қўйнимизни пуч ёноққа тўлдириб, чиқариб юборишди. Раҳбарлар айтдимки, ишлар албатта юришиб кетади, деб ўйладик.

Йўқ, янглишбимиз. Ҳамон иссиқликнинг дарағи йўқ. Ойнаси синик дараза кўзларидан кечаси совуқ кириб, бадамимизни жуниқитиради.

Тоқатимиз тоқ бўлиб, яна А. Седовага учрашдик. — Мен янгиман, сабр қилинглар, албатта иссиқлик ҳам, иссиқ сув ҳам бўлади, — деб бизни юпатишдан нарига ўтмаяпти, у.

Яна қанча куттиш керак!

Жўра БОБОРАҲМАТОВ,
«Ўзбексельмаш» заводи ишчиси.



Ташвишли синал

ЖАРИМА КОР ҚИЛМАЯПТИ

ХУЖАЛИГИМИЗ территориясида Тошкент ГРЭСининг газ тақсимлаш станцияси жойлашган. Бу иншоот атроф-муҳитни ифлослантувчи манба бўлиб қолган. Ҳар йили уни бартараф этиш, ҳақида гап бўлади. Лекин амалий ишдан даран бўлмапти.

Газ кўпайиб кетган вақтда ёқилгининг атрофга тарқалиши кучаяди. Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалик экин-ларида катта зарар келтирилади. Биргина ўтган йили салкам 3 гектар майдондаги пилз уруғининг 40 проценти побуд бўлди. Биргина шў эмас. Айни вақтда 2,14 гектар майдондаги помидорнинг 20 проценти ириб кетди. Ўтган йили 30—31 апрель, 1 май, 2—3 июнь кунларида газ конденсати ҳидининг тарқалиш радиуси 120 метрдан ҳам ошиб кетди.

Хўжалигимиз мутахассислари билан бундан кўрилган зарарни ҳисоблаб чиқдик. Уни «Ўзбектрансгаз» раҳбарлиги эътиборига ҳавола этдик. Бироқ бу идорадаги раҳбар ходимлар бизнинг фикр-мулоҳазаларимизни инобатга олмадилар. Чунки улар шундай номаънўлчиликларга ўрганиб қолишган. 1986 йилда ҳам бизнинг талабимизга қулоқ солишмаган эди. Ўша йили хўжалигимиз қишлоқ хўжалигига 4984 сўмлик ҳажми-

да зарар етказган эдилар. Лекин бу жариманинг ҳаммасини тўлашмади. Бор-йўғи 1976 сўм тўланди.

«Ўзбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Н. И. Жулин ўтган йили ҳам ваъдасининг устидан чиққани йўқ. Хўжалигимиз кўрган зарар қолланмади. Бунинг устига бирлашма раҳбарлиги станциянинг химоя зонасини кенгайтириш масаласини юқори ташкилотлар олдиға қўймоқдалар. Агар у амалга ошса, анчагина экин майдони исроф бўлиши мумкин. Ваҳоланки, бошқармада станциянинг атрофга қўлаш хил тарқатишини бартараф этиш учун етарли имкониятлар бор. Бизнингча ҳамма гап ҳафсалда қолган. Бирлашма раҳбарларига ҳудди шу фазилат этишмай турибди. Бу афсусланарли бир ҳолдир. Улар ваъдабозликни йиғиштириб, амалий ишға ўтишлари, станцияни солашлари лозим. Бу станция учун ҳам қишлоқ хўжалик экинлари учун ҳам, қолаверса шу атрофда яшаётган меҳнаткашлар учун ҳам факат фойдали бўлур эди.

Ҳ. НАСИМОВ,
Оржоникидзе районидagi «Коммунист» колхози табиатни муҳофаза қилиш бошланғич ташкилотининг раниси.

ОБЛАСТИМИЗ тоғлари турли табиат ҳодисаларига бойлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукулатимиз Тошкентнинг «Ўлкаси» бўлиш Уғом-Чотқол территориясини табиий бог сифатида сақлаб қолиш йўллариин ишлаб чиқиш учун турли лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ташкилотларига тегишли кўрсатмалар берди. Ҳозир бу борадаги ишлар қизғин олиб боришмоқда. Турли инженер-геологик жараёнларнинг тарқалишини айтишда биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Бу соҳада тоғли районларга, дарё водийларига, денгиз қирғоқларига хос сурилмалар диққатга сазовордир.

Одатда сурилма халқ ҳўжалигининг барча соҳасига катта зарар етказиши. Айниқса, нодир маъдан конларининг ва бошқа фойдали қазилмаларнинг олинишида, тоғли районларнинг ўзлаштирилишида, электростанция, кўприклар қурилишида ноқулайликлар туғдиради. Улар тоғ олди автомобиль ва поезд йўллариин бузади, табиий тўғонлар ва кўллар ҳосил қилади, инсон ҳаётига ҳам катта ҳаф солади.

Буларнинг ҳаммаси Урта

ТОҒЛАР НЕГА СИЛ ЖИЙДИ?

Осиё республикаларида сурилма ҳодисасини атрофлича ўрганиши ва уларга қарши курашиш режаларини ишлаб чиқишни тақозо қилар эди. Шунга кўра кенг кўлама илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади. Сурилма-ҳодисаларини ўрганишчи бир қатор ташкилотлар мавжуд. Айниқса, «Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий ходимларининг ишлари диққатга сазовордир.

Урта Осиё илмий-тадқиқот институтларининг маълумотларига кўра фақат биргина 1961—1972 йиллардагина 8000 марта сурилма бўлганлиги қайд қилинган. Шундан 3500 таси Тожикистонда, 1600 таси Қирғизистонда, 2900 таси эса республикамизда кузатишган.

Сурилмалар содир бўлишига ҳар қандай тоғ олди ўлкасининг ноқулай тузилиши ҳам сабаб бўлади. Жумладан адирларда ҳамда тоғ олди сойларидидаги тиклигининг ошishi, сув ишлаблги ва тоғ жинслари-

нинг емирилиши сурилмани тезлаштиради. Натижада, сойларнинг ёнбағирларидаги тоғ жинсларини сув ялаб, ўзи билан оқибди кетади. Оқибатда сой водийларининг икки томони кенгайиб, сурилма рельефини ҳосил қилади. Юқоридагилардан ташқари сурилмелар водийлар ёнбағирларининг қияликларига ҳам боғлиқ бўлади. Сурилмаларнинг содир бўлишида экинлик катта таъсир кучига эга эканлигини юқоридаги мисолларда кўрдик. Бу борада областимизнинг Чотқол-Курама тоғли ўлкасининг тектоник тузилишини ўрганиш кўп нарсга берди. Ҳозирги кунда олимларимиз сурилма ҳаракатини аниқлаш ва жиповлаш учун турли ўлчов асбоблари яратилмоқда.

М. ҲОШИМОВ,
геология-минералогия фанлари кандидати.

И. ОТАЖОНОВ,
СССР география жамаиятининг ҳақиқий аъзоси.



● АФРИКА шарқида кенг тарқалган ватус қорамоллари.

● АВСТРАЛИЯ қитъасидаги динго итлари бололади.
Д. АҲМЕДОВ фотолари.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТОШБАҚА ХОСИЯТИ

Тошбақанинг гўшти ширин ва тўйимли, носиси турли хил нарсалар ясаш учун ишлатилишини ҳар бир киши билади. Бу жониворнинг сув ҳавзаларини тозаловчилик хосияти борлиги эса ҳаммага ҳам маълум эмас. Ҳиндистонлик олимлар «Ганга» лойҳасини амалга оширишға киришканларида қудди шундан фойдаланишға қарор қилдилар. Тошбақалар фақатгина ўтларни эмас, шу билан бирга ўлаксалар, шаҳар чиқиндилари ва ҳатто химия маҳсулотларини ҳам иштак билан ейдилар. Шу лойҳага биноан беш йил давомида бу ўлкан дарёға салкам беш мингта тошбақа қўйиб юборилади.

ИЛОНЛАР ҚАМАЛИ

Илонлар емиш қидириб Борнео оролининг шимолӣ қисмида жойлашган Акуба қишлоғини ҳақиқатан ҳам қамал қилдилар.

Улар даладар, буталлар, ёриқлар, сув қуриб қолган қудуқлар ва ташлаб кетилган биноларни эгаллаб олдилар. Илонлар ниҳоятда заҳарли бўлгани учун ўтказаси ёрилиб кетган қишлоқликлар кеч кириши билан уйдан жипмадилар, кундузлари ҳам ўнчелик зарурат бўлмаса ташқарига чиқмасликига ҳаракат қилдилар.

Қишлоқ аҳолисини бу ҳафдан табиб қутқарди. У шу атрофда ўсадиған ўтлардан доривор тайёрлаб, уни ҳар бир уй атрофига сеппиб қўйди. Унинг самараси қутилганидан ҳам яхши бўлди. Доривор ҳафли газандаларни қириб ташлади ва қишлоқда ҳаёт изға тушиб кетди.

Корчолоннинг НИЯТИ

Сизнингча, Бақа неча пул туриши мумкин? Жавоб беришға шошилманг. Масъан, доминиканлик бир шахтер-топи олгани Орегон (АҚШ) шахрилик Ж. Уорк томонидан минг долларға харид қилинди. Корчолон эндиликда уни аукционда 25 минг долларға сотишни режаллаб қўйди.

Бу қандай гаройиб нарсга экан, деб ўйлашингиз табиий. Ҳамма гап шундаки, бу бақа бундан 40 миллион йил илгари смолага тушиб қолиб, ўндан чиқе олмаган. Шу ўтган вақт ичиде эса смола бир перне каҳрабго айланган.

ИНСОННИНГ хўжалик фаолияти таъсирида шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг табиий шароитлари ҳам тўхтовсиз ўзгариб бормоқда. Бунинг Тошкентимиз мисолида ҳам қуриш мумкин. У йилдан-йилға кенгаймоқда. Турли хил объектлар барпо этилапти. Айни вақтда ер ости коммуникациялари қўпаймоқда, ирригация шохобчалари реконструкция қилинапти.

Маълумки, турли мақсадларға хизмат қилувчи биноларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишни асослаш учун инженерлик-геология тадқиқотлари амалга оширилади, шунингдек майдоннинг табиий шароитлари, жумладан ер ости сувларининг режими ҳисобга олинади. Бунда ариқлардан оқидиған сувларнинг, ҳовузаларнинг, коллектор-дренаж тармоқларининг, фойдаланилаётган сув тўсқичларининг таъсири ўрганилади.

Ер ости сувлари режими бўйича кўп йиллар давомида тўпланган маълумотлар шундан далолат берадики, Тошкент шаҳрининг жануби-гарбий қисмида бундай сувлар тобора ер юзига кўтарилмоқда. Бу катта ташвиш туғдирипти. У ёмон оқибатларға олиб келиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, 1979 йилдаёқ Ўзбекистон Давлат инженерлик-техник қидирувлар институтининг тематика бўлими бошлиғи, геология-минералогия фанлари кандидати Я. Содиқов ва «ТашНИИПИгенплан» лойиҳалаш илмий-тадқиқот ине-

титутининг бош мутахассиси Н. Гусева ўртоқлар томонидан бу территорияда изланиш ишлари олиб борилади ва ер ости сувларининг юзаға кўтарилишининг олдини олиш юзасидан тавсиялар беришган эди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу жойда ер ости сувлари 1970 йилларғача 8—10 метр чуқурликда эди. Бўриқар туфайли доим шу нуқтадан юқорига кўтарила-масди. Бу жарада ҳар секун-

дликлари ўсмоқда. Энг афсусланарлиси шундаки, бундай сув ҳавзалари турли хил қиқиндилар ва ахлатлар билан тўлдириб юборилмоқда. Оқибатда ифлосланган ер ости сувларининг юқорига кўтарилиши кучаймоқда. Шу территорияға яқин жойда ер ости сувлари учун дамбазар яратилапти. 1987 йилнинг декабрида отчопардан 250 метр шарқда ер ости сувларининг юзидан қуқурлиги бор-йўғи 3,5 метрини

• Шаҳар муаммоси • ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

дига 15 литр сув сарфланарди. Бу ер ости сувлари учун табиий дренаж вазифасини ўтарди. Ўз вақтида бу жар қурилиш учун зарур бўлган анчагина майдонни эгаллаб турди ва шу сабаб-ли 1979 йилғача қўмби ташланди. Текислаш ишларида инженерлик ҳисоб-китоби-нинг маромига етказилма-ганлиги ва собиқ жарни ер ости сувларини оқишиға ҳалақит берувчи турли хил сунъий дамбазар билан тўсиб қўйилганлиги ёмон оқибатларға олиб келди. Ер ости сувлари ҳисобига тўлиб турадиган сунъий кўллар пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда бундай кўллар тобора қўпаймоқда. Уларда сув ўсим-

ташмиш эди. Отчопардан юқорироқда жойлашган коллекторлар ва ҳалқа йўл бўйлаб Калинин район марказиға борадиган бундай иншоотлар йиллаб тозаланмади. Улар турли хил ахлат билан тўлиб кетган. Шунинг учун ҳам бу коллекторлардан сув оқма-япти. Натижада ер ости сувлари кўпайиб бормоқда. Ахвол шундай бўлишиға қарамай бундай иншоотларнинг бир маромда ишлаши учун мастул бўлган область ва Тошкент шаҳар сув хўжалиғи ишлаб чиқариш бошқармалари раҳбарлари унга эътибор бермайлтилар. Ер ости сувлари оқишиға мўлкаланган бу коллектор-

лар ўғай бўлиб қолганға ўхшайди. Бундай муносабатни тезда ўзгартириш керак ва зудлик билан коллекторни тозалаш ишларини амалга ошириш лозим. Бу ер ости сувларининг муайян пасайишиға олиб келишини унутмаслик зарур.

Ина бир факт устида тўх-талиб ўтмоқчимиз. 1979 йилда ер ости сувларининг кўтарилиш даражасини бартараф этиш мақсадида отчопар енида горизонтал дренаж қуришға киришилган эди. Асбосемент қувурларидан ётқизилдиған бу иншоотнинг узунлиғи 6300 метрдан ортиқроқ бўлиши назарда тутилганди. Лекин бу муҳим иш ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди. Бор-йўғи 38 минг сўмлик давлат маблағи ўзлаштирилди. Натижада шу территорияда ер ости сувларининг сатҳи 0,5 метрдан 4 метрғача кўтарилди. Шундай бўлишиға қарамай, бу ерда турли хил объектлар барпо этилмоқда.

Албатта, ер ости сувларининг кўтарилиши келажакда катта қийинчиликларни бу-жудға келтириши мумкин. Иморатларға ҳам зарар бериши турган гап. Шундай экан, шу территорияда мавжуд бўлган коллекторлар, дренажларни турли хил қиқиндилардан тозалаш, янги-ларини қуриш, ер ости сувларининг пасайишини таъминловчи иншоотлар барпо этиш ҳақида ўйлаб қуриш лозим.

М. ҚУЧҚРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

ТЕЛЕЭКРАНДА: КҮРИНГ, ФИКР ЮРИТИНГ, ДАМ ОЛИНГ

Душанба

8 февраль

● MT-I

7.00. «120 минут», 9.05. Махсус эфирдаги зонада. Бадий фильм. 11.00 ва 16.00. Янгилар. 16.10. Қайта куриш прожектори. 16.20. Спорт ва шахс. 16.50. Хужжатли фильм. 17.20. Сенинг истеъдодларинг, Украина. Концерт. 17.40. Мен, сен ва биз ҳаммаиш биргаликда. 18.25. Концерт. 18.55. Мультифильм. 19.15. Туб ислохот йўлларида. 19.45. Тинч Дон. Бадий фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. В. Непомяший. Йил фасллари. 23.55. Дунё воқеалари. 00.05. Хужжатли фильм.

● MT-II

9.00. Гимнастика. 9.15. Хужжатли фильм. 9.35. 10.35. Табиатшунослик. 9.55. Илмий-оммабоп фильм. 10.05. 12.05. Италия тили. 10.55. Хужжатли фильм. 11.05. СПТУ ўқувчиларига. ЭХМ ишининг физик принциплари. 11.35. 12.35. Астрономия. 13.05. Мичман Панин. Бадий фильм. 14.35. Хужжатли фильм. 15.25. Оталар изидан борар солдатлар. Бадий фильм. 16.50. 18.35. Янгилар. 18.45. Совет Иттифоқига хизмат қилган! 19.45. Тўпла хоккей. Финал. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Халқаро панорама. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Хужжатли фильмлар. 23.15. Тонгги почта. 23.45. Янгилар.

● УЗТВ

16.45. Телефильм. 17.30. Илмий-оммабоп программа. 18.05. Мультифильм. 18.20. Иван Павлов. Бадий фильм. 19.30. Ахборот. 19.45. Бошланғич партия таълимоти: таърифа ва муаммолар. 20.15. Телефильм. 20.30. Ахборот. 20.50. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Навоий. Видеофильм. 6-серия. 23.30. Телефильмлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35. Телефильм. 19.55. Улан. Бадий фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Душанба кўрсатади.

Сешанба

9 февраль

● MT-I

7.00. «120 минут», 9.05. Мен, сен ва биз ҳаммаиш биргаликда. 9.50. Тинч Дон. Бадий фильм. 11.35 ва 16.00. Янгилар. 16.10. Қайта куриш прожектори. 16.20. Саратов телевидение студиясининг программаси. 17.20. Болалар учун фильм. 18.30. «Новаторлар ва консерваторлар». Йирик иxtи-роларини жорий этиш исти-қболлари ҳақида. 19.15. Шерият лаҳзалари. 19.20. Дунё воқеалари. 19.40. Бадий фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Концерт. 23.50. «Нигих».

● MT-II

9.00. Эрталабки гимнастика. 9.15. Хужжатли фильм. 9.35. 10.35. Физика. 10.05. Француз тили. 11.05. География ёки мушукларни санашига «Борамиз».

11.35. 12.35. Табиатшунослик. 11.55. Хужжатли фильм. 12.05. Француз тили. 12.35. Сўнгги йўл. Бадий фильм. 14.30. Хужжатли фильмлар. 15.15. Янгилар. 15.25. Яширин обком ҳаракатида. Бадий фильм. 16.30. Хужжатли фильм. 18.35. Янгилар. 18.45. Ритмик гимнастика. 19.15 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.00. Музикали кинос. 20.30. Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45. Камалак. 21.15. Хужжатли фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Терговга киришилсин. Бадий фильм. 23.25. Хужжатли фильм. 23.55. Янгилар.

● УЗТВ

7.00. Ассалому алайкум. 16.45. Ботаника. 17.15. Телефильм. 17.30. Рус адабиёти. 18.05. Болалар учун фильм-концерт. 18.25. Иван Павлов. Ҳақиқат излаб. Бадий фильм. 19.30. «Ахборот». 19.45. Ёшлик. 20.00. Пахтачилик: таърифа ва муаммолар. 20.30. «Ахборот». 20.50. Концерт. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Навоий. Видеофильм. 7-серия. 23.45. Хужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30. Салют, Мария! Бадий фильм. 20.35. Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 70 йиллигига. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Фрунзе кўрсатади.

Чоршанба

10 февраль

● MT-I

7.00. «120 минут», 9.05. Мультифильмлар. 9.35. Тинч Дон. Бадий фильм. 11.25 ва 16.00. Янгилар. 16.10. Қайта куриш прожектори. 16.20. Салом, музика! 17.20. Сиз яратган бог. 17.50. Инсон ва табиат. 18.35. Мактаб: қайта куриш муаммолари. 19.05. Шерият лаҳзалари. 19.10. Дунё воқеалари. 19.30. Тинч Дон. Бадий фильм. 3-серия. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Резонанс. 23.45. Халқ куйлари. 24.00. Дунё воқеалари.

● MT-II

9.00. Эрталабки гимнастика. 9.15. Илмий-оммабоп фильм. 10.05. Немис тили. 10.35. Илмий-оммабоп фильм. 11.05. Физика. 11.35. 12.35. А. П. Гайд. «Мактаб». 12.05. Немис тили. 13.05. Терговга киришилсин. Бадий фильм. 14.15. Хужжатли фильм. 14.45. Янгилар. 14.55. Такорорий телефильмлар кундузги сеанси. 18.35. Янгилар. 18.45. Кишлоқ янгиларлари. 19.45. Концерт. 20.25. Реклама. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15. Хужжатли фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Терговга киришилсин. Бадий фильм. 2-серия. 23.25. Янгилар.

● УЗТВ

7.00. Ассалому алайкум. 16.45. Зоология. 17.15. Телефильм. 17.30. География. 18.05. Мультифильм. 18.15. Инсон болаликдан бошланади. 18.45. Ёшлик. 19.30. «Ахборот». 19.50. Мультифильм. 20.00. Интенсивлаш — беш йиллик шiori. 20.30. «Ахборот». 20.50. Ялларлар, лапарлар, ҳазил кўшиқлар. 21.20. Дюпэрб вази-фа. 21.30. «Время». 22.05. Қай-

та куриш прожектори. 22.15. Навоий. Видеофильм. 8-серия. 23.20. Бугун оламда нима гап! 23.35. Телефильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35. Телефильм. 19.45. Концерт. 20.25. Салют, Мария! Бадий фильм. 2-серия. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Душанба кўрсатади.

Пайшанба

11 февраль

● MT-I

7.00. «120 минут», 9.05. Мўъжизасиз мўъжизалар. 10.05. Тинч Дон. Бадий фильм. 12.00 ва 16.00. Янгилар. 16.15. Қайта куриш прожектори. 16.25. Музикали ҳазина. 17.00. Қайта куриш: таърифа ва муаммолар. 17.55. ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.40. Шерият лаҳзалари. 18.45. Иқтисодий билимлар асослари. 19.15. Концерт. 19.40. Дунё воқеалари. 20.00. Бизда, Останкинода. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Музика эфирда — Таннафус пайтида — Дунё воқеалари.

● MT-II

9.15. Илмий-оммабоп фильм. 9.35. 10.35. Л. Н. Толстой. Знётдан сўнг. 10.05. Испан тили. 11.05. СПТУ ўқувчиларига. 11.35. 12.40. Ёшларига. 12.00. Испан тили. 12.30. Илмий-оммабоп фильм. 13.05. Терговга киришилсин. Бадий фильм. 14.15. Хужжатли фильм. 15.05. Янгилар. 15.15. Такорорий телефильмлар кундузги сеанси. 18.35. Янгилар. 18.45. Ритмик гимнастика. 19.15. Киноафиша. 20.15. Халқ куйлари. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Узоқ Шарк. Киножурнал. 20.55. Хужжатли фильм. 21.20. Қайта куриш прожектори. 21.30. «Время». 22.05. Аншлаг! Аншлаг. 23.15. Баскетбол. СССР чемпионати. 24.00. Янгилар.

● УЗТВ

7.00. Ассалому алайкум. 16.45. Биология. 17.15. Телефильм. 17.30. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.05. Санъат гунаҳлари. 18.45. Мультифильм. 19.00. Чорвадор. 19.30. «Ахборот». 19.45. Телефильм. 20.00. Қайта куриш қирралари. 20.30. «Ахборот». 20.50. Ўзбекистон санъат усталари. Галия Измайлованинг иккидй портрети. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Навоий. Видеофильм. 9-серия. 23.25. Телефильмлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35. Китоб — бизнинг дўстимиз. 20.40. Реклама. 21.00. Замондошларимиз. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Фрунзе кўрсатади.

Жума

12 февраль

● MT-I

7.00. «120 минут», 9.05. Мультифильмлар. 9.35. Концерт. 9.55. Хужжатли фильм. 10.15. Салом музика. 11.15. 16.00. Янгилар. 16.10. Қайта куриш прожектори. 16.20. Қир-

ғизистон телевидениесининг программаси. 17.20. Концерт. 17.50. Агросаноат ишлари ва таъшишлари. 18.20. Мультифильм. 18.40. Концерт. 18.55. Мактаб: қайта куриш муаммолари. 19.10. Нера ва нима учун? 19.40. Дунё воқеалари. 20.00. Танишинг: ёш кинематографчилар. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Муаммолар — изланишлар — ечимлар. 24.00. Нигих.

● MT-II

9.00. Гимнастика. 9.15. Илмий-оммабоп фильм. 9.35. 10.35. Тарих. 10.05. Инглиз тили. 11.05. СПТУ ўқувчиларига. 11.35. 12.35. Тарих. 12.05. Инглиз тили. 13.05. Бадий фильм. 14.20. Хужжатли фильмлар. 14.50. Янгилар. 15.00. Телефильм. 18.30. Янгилар. 18.40. Сизни К. Орбелян таълим этади. 19.30. Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Цирк. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Бадий фильм. 23.35. Янгилар.

● УЗТВ

7.00. Ассалому алайкум. 16.45. Л. Н. Толстой. Ҳаёти ва ижоди. 17.15. Телефильм. 17.30. Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.05. Пионерлар мамлакатиде. 18.50. Сиёсий ва иқтисодий тафаккур ҳар бир меҳнатқошга. 19.20. Ёшлик. 19.30. «Ахборот». 19.45. Лайли ва Мажнун. 20.30. «Ахборот». 20.50. Музикали кўрсатув. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Бадий фильм. 23.45. Халқаро аҳоил.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.35. Телефильм. 19.55. Бадий фильм. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Фрунзе кўрсатади.

Шанба

13 февраль

● MT-I

7.00. «120 минут», 9.05. Фильм-концерт. 9.40. Инсон. Ер Кинот 10.40. Чашмалар. 11.10. Тележурнал. 11.40. Хужжатли фильм. 12.10. Камалак. 12.40. Бадий фильм. 14.00. Қайта куриш ва меданит. 15.00. Симфоник миниатюралар. 15.30. Дунё воқеалари. 15.50. Хужжатли фильм. 16.10. Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 16.40. Мультифильмлар. 17.10. Хайвонот оламиде. 18.10. Хайрлашув. Бадий фильм. 1—2-сериялар. 20.10. Хужжатли фильм. 21.15. Халқ куйлари. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Концерт.

● MT-II

8.30. Гимнастика. 8.45. Истикбол. 9.35. Мешчанлар. Тележурнал. 10.30. «Здоровье». 11.15. Тарих саҳифалари. 11.50. Йил фасллари. 12.50. Мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий эстетик тарбиялаш. 13.20. Илмий-оммабоп фильм. 14.15. Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.15. Мультифильм. 15.25. Концерт. 16.30. Минимю. Бадий фильм. 18.00. Спектакль. 19.30. Концерт. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Концерт. 21.10. Рус меҳморчилиги усталари. 21.30.

«Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Тафаккур программаси. 00.45. Янгилар.

● УЗТВ

8.00. Ассалому алайкум. 9.30. Учинга рухсат этинг. Бадий фильм. 11.05. Қозоғистон телевидениеси - программаси. 11.35. Телеочерк. 12.05. Театр ва замон. 13.05. Хужжатли экран. 13.55. Инсон ва замон. 14.55. Спортнинг Ўзбекистан. 15.35. Ёшлик. 16.25. Биз қандай дам оляптиз. 18.00. Тенгдошлар. 18.45. Фан уфқлари. 19.30. «Ахборот». 19.45. Саҳна усталари. 20.30. «Ахборот». 20.50. Музикали кўрсатув. 21.30. «Время». 22.05. Қайта куриш прожектори. 22.15. Телеминиатюралар театри. 23.15. Фристайл.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

18.00. Душанба кўрсатади.

Якшанба

14 февраль

● MT-I

8.30. Янгилар. 8.45. Ритмик гимнастика. 9.30. Телефильм. 9.50. Спортлото. 10.00. «Будильник». 10.30. Совет Иттифоқига хизмат қилган! 11.30. Тонгги почта. 12.00. Саҳнатчилар клуби. 13.00. Музикали кинос. 13.30. Кишлоқ янгиларлари. 14.30. «Здоровье». 15.15. XV киши олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши. 17.05. Ю. Д. Городков билан учрашув. 18.35. Халқаро панорама. 19.20. Концерт. 19.55. Қораллоқлар сирин. Бадий фильм. 21.30. «Время». 22.05. Эстрада концерти. 22.25. Делегатскавдаги музей. 22.50. Янгилар. 22.55. Чанги спорти.

● MT-II

8.30. Зарядка. 8.45. С. Орлов поэзияси. 9.20. Илмий-оммабоп фильм 10.20. Портретлар. 11.15. Касб танлаб. 11.45. Илмий-оммабоп фильм. 12.00. Саҳнатчилар клуби. 13.00. Фан: назария, таърифа, практика. 13.35. Ажойиб кишилар ҳаёти. 14.20. Бадий фильмлар. 17.05. Хоккей, СССР — ГФР. 19.00. Хужжатли фильм. 19.10. Мультиконцерт. 19.55. Камалак. 20.30. Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45. Олмаота кўрсатади. 21.10. Хужжатли фильм. 21.30. «Время». 22.05. Концерт. 23.40. Хужжатли фильм. 00.05. Янгилар.

● УЗТВ

8.00. Ассалому алайкум. 9.30. Хужжатли фильмлар. 10.05. Биргаликда куйлаймиз. 10.25. Қувноқ стартлар. 11.15. Элга хизмат: талаб ва тақлим. 11.45. Ёш спортчи мактаби. 12.45. Замандас. 13.45. Шошма кўёш. Спектакль. 15.45. Фильм-концерт. 16.15. Санъат оламида. 16.35. Телевизон миниатюралар театри. 17.35. Реклама. 17.55. Мактаб ўқувчилари учун. 18.40. Бугун Аэрофлот кунин. 18.50. Концерт. 19.30. «Ахборот». 19.45. Цирк. 20.30. «Ахборот». 20.45. Сиҳат-саломатлик. 21.20. Манзарали фильм. 21.30. «Время». 22.05. «Ахборот» таъкид қилади. 22.20. Навоий лирикаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

17.05. Фрунзе кўрсатади.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ • ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ •


«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шаба снларини қизқиш билан кузатиб бораман. Жумладан, ундаги спорт саҳифасини ҳам. Ана шу саҳифани тайёрлаётганлардан бир илтимосим бор. Маълумки, бу йил Олимпиада йилдир. Дастлаб Калгарда қишқи олимпиада ўйинлари, сентябрь ойда Сеулда ёзги олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Республикамиз спортчилари ҳам уларда иштирок этадим! Улар ким! Шу ҳақда газета саҳифаларида материаллар берилиб боришини истардим.

М. УМАРОВ.

ОЛИМПИАДАГА
КИМЛАР
БОРАДИ?

мат кўрсатган спорт мастери, курашчи Рустам Казаков ва гимнастикачи Эльвира Саадилов олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўдилар. Монреалдан бокс бўйича жаҳоннинг биринчи чемпиони СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Руфат Рискнев ва футболчи Владимир Федоровлар кумуш, бронза медаллари билан қайтиб келишди.

Нихоят 1980 йилда Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган Олимпиадада республикамиз спортчиларидан ўн нафар иштирок этди. Улардан Лариса Павлова, Юрий Ковшов, Эркин Шагаевлар олимпиада чемпиони унвонини қўлга киритишди. Наталья Бутузова, Александр Панфилов, Рустам Ямбуратов кумуш, Лайло Ахмерова, Нелла Гор-



батцова, Валентина Заздравних, Алина Хамлар эса бронза медалини қўлга киритишган.

Сеулда ўтказиладиган XXIV олимпиада ўйинларида ҳам республикамизнинг бир қатор вакиллари иштироки кутилмоқда. Номзодлар сифидан жаҳоннинг бир неча бор чемпиони Арсен Фадзаев, ака-ука Аслан ва Макарбек Хадарцевлар, сузувчи Сергей Зоболотов, лангар чўп билан баландликка сакровчи Родион Гатаулин, велоспийгачи Жамолдин Абдуҷабборов, гимнастикачи Марина Николаева, байдарка ҳайдовчилар Гулнора Шарофиддинова, Татьяна Числова, хоккейчилар Игорь Барков, Николай Санковец, Эдем Велнес, енгил атлетикачи Сергей Усовлар жой олишган.

НИМА?, ҚАЧОН?, ҚАЕРДА?


● **ТОШКЕНТ.** Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти спорт залида бадминтон бўйича республика шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтади. Унда 1971—1976 йилда турилган ўсмирлар ва қизлар иштирок этишади. Мусобақа бугун соат 16.30 да, эртага эса 11.00 да бошланади.

«Меҳнат резервлари» спорт комплексидан эса ўсмирлар

ўйинлари программаси доирасида дзюдо бўйича қизлар мусобақалари ўтказилади.

● **БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ.** «Чимёна» туристик комплекси пойтахтимиз меҳнатчилари ва меҳмонларини «Чанги-88» халқаро мусобақаларига тақдир этди.

● **ОЛМАЛИҚ.** Яқинда кунин соат 13.00 да шаҳар марказий стадионидан футбол бўйича Усмон Юсупов хотира турнири ўтказилади.



ШАХМАТ БЎСТОНИНИНГ БОҒБОНЛАРИ

ТЕМИР ТИГРАН

14-САИР

«Шахмат ўйинлигича қолаётган бўлса-да, унда ҳеч қандай тасодифот йўлигича имоним қолма».

Т. ПЕТРОСЯН.

Меҳнатсеварликка уни ҳаётнинг ўзи ўргатди. Тигран Петросян (1924 йил 17 июнда туғилган) қийин уруш йилларида ўсиб улғайганлар авлодига мансуб эди. Ота-онасидан эрта айрилган Петросян ишга киришга мажбур бўлди, айни вақтда мактабда ўқиди.

Петросянинг шахматчилиги йўлининг бошланғич ортиқ даражада эътиборга лойиқ бўлмади. Ўйинчи пионерлар Саройида шуғулланар экан, тажрибали педагог мастер А. Эбралдиев шогирдинини ўқиб қобилиятини пайқай олди.

Дастлабки пайтлардаек, етук позициявий ўйинчилигини кўрсатди. Албатта, у тактикавий жиҳатдан ҳам дурустгина қўролланган эди: вариантларини осон ва тез ҳисобларди: қурбон тўғри бўлганда қурбонлар берарди: агар комбинация аниқ ҳисобга бўйсунса, комбинациялар қиларди. Бироқ у бу қуролни кам ишлатар, шахматда энг асосий нарса — манит, «деб ҳисобларди».

1947 йили у мастер бўлди. Икки йилдан сўнг эса СССР биринчилиги финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Дебют камтарона натижа билан якунланди. Кейинги чемпионат ҳам Петросянга шуҳрат келтирмади. Лекин бу турнирлар ёш мастер учун аjoyиб мактаб бўлди. 1951 йили СССР 19-биринчилигида у 2—3 ўринларни баҳам кўради. Кейинги йили зоналараро турнирда ҳам худди шундай муваффақиятга эришди ва халқаро гроссмейстер унвонини олади.

Оқилона турнир амалиёти унга тож талабгорларнинг 1962 йили узоқ Кюрасаодаги мусобақаси марофатча масофасида ўз куч-ғайратини бошқалардан кўра аъло ҳисобга қўйишга имконият берди. Яна бир йилдан кейин эса галабаларидан кўп марталик ҳайратланган М. Ботвинник билан бўлган матчида у ҳаётдаги энг қийин имтиҳондан ўтди.

Бу жуда қийин синов бўлган эди. Тезрози паллаларининг гоҳ унис, гоҳ буниси босиб кетарди. 14-партиядан сўнг ҳисоб тенглашиб қолди, лекин бунга Ботвинник кўп тер тўкиб эришди. Кейинги партияларда Петросянинг устунлиги билинди ва у +5—2=15 ҳисобида галаба қозонди.


Петросян шахмат тахтида 6 йил ўтирди. Шу давр орасида Спасскийнинг ҳужумини (1965 й.) қайтарди, йирик турнирларда қатор галабаларга эришди. Лекин ҳар қалай Спасскийнинг иккинчи уриниши (1969 й.) муваффақиятли тугади.

Бироқ Петросянинг кучи қайта қолмади... 1975 йили туртинчи бор СССР чемпиони бўлди.

Петросян оғир касалликдан сўнг 1984 йил 13 августда Москвада вафот этди. Унинг номи абадийлаштирилди. Чунотчи, Еревандаги Шахматчилар уйи ва бу ерда ўтказилган анъанавий халқаро турнирлар Петросянинг номи билан аталадиган бўлиб қолди.

Петросян — Ботвинник матчининг 5-партияси, Москва, 1963 йил.

1. c4g6 2. d4 Kf6 3. Kc3d5 4. Kf3Cg7 5. e3 0—0 6. Ce2dс 7. Cc4c5 8. d5e6 9. de: d1 10. Kр: d1 Ce6 11. Cc6f6.




Юзга келган эндишлик жудаям мураккаб. Ҳуш, бу позицияга ҳар қалай қандай баҳо бермоқ лозим! Оқларнинг пьедалари аъло ҳисобга қўйилган. Яқкаллаган еб пьеданинг тўб қамчилиги ҳужум объекти бўлиб қолишига эътибор берилган, балки унинг олдидаги хона ёки хоналар ре-

қиб сипоҳлари учун баб-баравар таянч пунктлари хизматини ўтай олишида ҳам-дир.

Шу мулоҳазаларнинг ўзи оқларнинг позициясига кўпроқ ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлишга асос беради.

Оқларнинг 35Kрс 4—d4! юришидан кейин тахтада шундай лазият юзатга келди.



Оқларнинг марказлашган армияси жанговарлик жиҳатидан бир-бирдан узоқлашиб, қолган қора сипоҳлардан кескин фарқ қилади. Тахта бурчагидаги рух e5—e1 «боғ кўчаси» бўлиб беркорга «хартум»ни қўзиб турган фил ўз шохини қаровисга ташлаб кетган.

35... Kрd7 36. g3. Cb4 37. Kрe5 Lh5+ 38. Kрf6 Ce7+ 39. Kрg7 e5 40. Lc6f1 Lh4 41. Kрf7 Lаf2 42. Le6 Cb8 43. Ld6+ Kрe8 (43... Kрс7 га ҳам 44. Kрe8!) 44. Kрe8 Cc7 45. Lc6 Ld1.

Борди-ю 45... L: a4 бўлса, 46. Kг5 дан кейин аломат вариант юзатга келарди. Бунини топишга уриниб кўринг, азизи шахмат шинавандалари.

46. Kг5 Ld+47. Kрf7 Ld7+ 48. Kрg8. Қоралар таслим бўлди. Узингиз давом эттиринг, осонгина топасиз.

М. МУҲИДДИНОВ.

Митрофанов номли сул спортини саройида ўтказилган сулзиш бўйича республика қишқи чемпионатида 400 дан зиёд спортчи иштирок этди. Мусобақа ғолиблари Ватанимиз пойтахти Москвада бўладиган СССР қишқи чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Суратда: мусобақа пайти.

А. Рискнев фотоси. (УзТАГ).

БИЛАСИЗМИ?

● Мингдан ортиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари билан савол-жавоб шуни кўрсатдики, уларнинг бари жисмонан яхши тайёргарлик кўрган. 1-ва 2-даражали ГТО нишондорлари бўлишган экан. Тахминан тенг ярми спортнинг ҳар хил турлари бўйича разрядга эга бўлганлар.

● Европадаги дастлабки спорт жамияти Францияда тузилган. У бундан 400 йил муқаддам Парижда ташкил қилинган қиличбозлар клубидир.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

**ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ**

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов
Издаётся на
узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32

ОЧКОЛАР, СЕКУНДЛАР, ҒОЛИБЛАР

● **ФУТБОЛ.** Ҳиндистоннинг Силигури шаҳрида Жавахарлал Неру хотира соврини — кубок учун халқаро турнир низоҳисига этди. Ҳал қилувчи финал учрашувда Польша футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга уратган СССР олимпиада терма командаси турнир ғолиби бўлди. Футболчиларимиз бу ерда биронта ҳам учрашувда ютқазмади.

● **ДЗЮДО.** Олимпиадада бошланган СССР чемпионатида

икки вазнда, яъни 95 килограммгача ва ундан юқори вазнда чемпионлар маълум бўлди. Чирчиқлик Димитрий Соловьев Каунаслик Гитарс Масколионас билан бронза совриндори бўлди.

● **ШАХМАТ.** Республика шахмат-шашка клубида эркаклар ўртасида биринчи лига қатнашчилари баҳс давом этмоқда. Етти турдан сўнг мастерликка номзод А. Карпов ва В. Носкилар олтидан очко тўплаб олдинда боришмоқда. Ўсмирлар ўртасида Тошкент чемпиони Ботир Мансуров беш очко билан кучлилар сифидан ўрни олиб турибди. Мусобақа тугашига тўрт тур қолди.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
нашриятининг Меҳнат Қизил
Байроқ орденли
босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 08523. А. 1538.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12